

1999
6

68-ЙИЛ ЧИҚИШИ

Адабий-ижтимоий
журнал

Бош муҳаррир
Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати

Омон Мухтор,
Бахтиёр Карим,
Ихтиёр Ризо,
Юсуф Файзулло,
Мурод Мансур,
Икром Отамурод,
Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон,
Асад Дилмурод

Жамоатчилик кенгаши

Нуриддин Зайниев,
Холмуҳаммад Нуруллаев,
Адҳам Каримов,
Қуронбой Матризаев,
Илҳом Восиев,
Бахтиёр Асадов

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАМҒАРМАСИ

www.ziyouz.com kutubxonasi

60—70-йиллар адабий танқидчилиги тарихига бир назар

XXI асрнинг бўсағасида Ўзбекистон мустақилликка эришди ва шўро даври адабиёти ҳамда адабий танқидчилиги эндиликда тарихий ўтмишга айланди. Ўтмиш бадиий адабиёти ва адабий танқидчилигидаги ютуқ ва камчиликларни истиқлол ва мустақиллик нуқтаи назаридан туриб илмий таҳлил қилиш, баҳолаш бугунги кун адабий танқидчилигининг камоли учун ҳам муҳим аҳамият касб этди. Умуман, мунаққидлик маҳорати ва бадиий асар савияси ҳақида баҳо юритиш ростлик либосига ўралган ёлғон ҳақиқатларни ҳам фош этади, бирёқлама бадиий тасвирлаш ва баҳолашларнинг фожиавий руҳиятини очиб беради. Инсонларнинг маънавий жиҳатдан чархланиб, юксакликка кўтарилишига хизмат қилади. Ана шу нуқтаи-назардан ўзбек адабий танқидчилиги тарихида ўзига хос бурилиш ва кўтарилишлар юз берган ва чуқур илмий тамойиллар, айниқса маҳорат юксакликларига эришилган, шу билан бирга шўро даврига хос бўлган коммунистик ғоявийлик тазйиқи остида бир томонламаликка ва сохталикларга ҳам йўл қўйилган 60—70-йиллар адабий танқидчилиги тарихини яхлит олган ҳолда илмий-тадқиқот қилиш бу кун аҳамиятлидир. 60—70-йиллар адабий танқидчилигидаги маҳорат ва таъсир масалаларини атрофлича ўрганиш ҳозирги давр адабий танқидчилигига ҳам кўп нарсалар бериши мумкин. Чунки ҳозирги давр адабий танқидчилиги 60—70-йиллар адабий танқидчилигидан ўзига нималарнидир олиши ва нималарнидир инкор этиши мумкин, айниқса мазкур даврлардаги танқидчи маҳорати ва ўзига хосликларни ўрганиш, йўл қўйилган камчиликларни таҳлил этиш ҳозирги кун адабий танқидчилиги учун янгича бир устиворликларга эришиш йўлида муҳим омиллардан бўлиб хизмат қилиши, ўз-ўзини англашига кўмаклашиши мумкин.

Маълумки, адабий танқид энг аввало, фан, — илмийлик ва бадиийликни ўзига чуқур сингдириб юбориб, доимо олға интилади, шунинг учун ҳам В. Белинский танқидни доимий ҳаракатдаги эстетика, деб таърифлаган эди. Адабий танқид тарих, социология, фалсафа, эстетика каби фанлар билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг таъсирини ўзида доимо ҳис этиб туради. Шунинг учун ҳам, қадим замонлардан бошлаб адабий танқидчи файласуф, руҳшунос социолог сифатида танилиб келган. Баъзи файласуф ва адабиётшунос олимлар адабий танқидни бадиий адабиёт ва санъатнинг узвий бўлаги сифатида ҳам қараб келадилар, уларнинг фикрича, танқид — бадиий ижод жараёнининг энг муҳим бўғинидир. Умуман олганда, адабий танқид илмий ва бадиий тафаккурни бир-бирига боғлайдиган, санъат, бадиийлик ва фаннинг бир-бирига қуйилиб бирлашадиган нуқтасидир. Бу уйғунлик бизнингча, адабий танқиднинг ўз навбатида санъат даражасига кўтарилишига ёрдам берса, бадиий адабиёт ва санъатнинг эса образлилик асосидаги фикрлаш доирасини кенгайтиради.

Адабий танқид адабиётшунослик фани учун ҳам тагзамин вазифасини ўтаб келганлиги азалдан маълум. Чунки тарихий-назарий билимлар ва адабий-бадиий маҳорат адабий танқид тафаккури эришган тажрибаларни умумлаштириш эвазига ҳам бойиди. Шу боисдан кўпинча адабий танқидчилик тажрибалари асосларида адабиётшунослик назарияси томон ўтилганлиги ва бойитилганлигининг гувоҳи бўламиз. Демак, адабий танқид адабиётшунослик фани тафаккур майдонини яратишда муносиб хизмат қилиб келган. Бу эса танқидчининг зиммасига санъаткор ва адабиётшанос олим бўлишлик масъулиятини ҳам юклайди. Кўпгина танқидчиларнинг ёзувчи, ёзувчиларнинг эса адабий танқидчи сифатида фаолият кўрсатиши табиий бир ҳолдир.

Шу нарсани алоҳида қайд этиш керакки, бугунги адабий танқидчилик сидқидилдан ўз вазифасини бажармаётганлигидан ташвишга тушиб матбуотда билдирилаётган фикрлар ҳам ҳаққоният тарозисига солиб кўрилмоғи лозим, ҳозирги адабий танқидни гўёки «фалаж танага ўхшайди» деган фикрларга унчалик қўшилиб бўлмаса-да, бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

фикрларни тўлиқ инкор этиб ҳам бўлмайди. Чунки ҳозирги давр бадиий адабиёти ва адабий танқидчилигида баъзан бир жойда депсиниб туришлар, ҳайронлик ва эсанкираш ҳолатлари кўриниб турганлиги сир эмас. Лекин кўп ҳолларда адабий танқид ҳам, бадиий адабиёт ҳам истиқлол ва мустақиллик нуқтаи-назаридан бутун масъулиятини зиммасига олиб, шиддат билан иш тутмоқдаки, бунинг ижобий мевалари очиқ кўринмоқда. Адабий танқиднинг адабиётшуносликдан фарқи шуки, у адабиётшунослик назарияси билимларига асосланиб иш кўради, мазкур билимларнинг кенгайиши, ривожи учун маънавий озиқ беради, лекин у адабиётшуносликка хос бўлган илмийлик масъулиятини одатда ўз зиммасига олмайди.

Хуллас, адабий танқидчининг ўзига хос маҳорати, қолаверса, савияси ўзаро таъсир масалалари долзарб бўлиб, бу масалаларни биз 60—70-йиллар адабий танқидчилиги тарихини таҳлил этиш ва ўрганиш жараёнида тўлиқ ишонч ҳосил қиламиз.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, 60—70-йиллар адабий танқидчилиги тарихи яхлит олинган ҳолда ҳанузгача атрофлича тадқиқот қилинмаган. Бу даврлар адабий танқидчилиги хусусида И. Султон, В. Зоҳидов, К. Яшин, М. Нурмуҳамедов, О. Шарафиддинов, Б. Валиҳўжаев, У. Норматов, И. Ғафуров, С. Мирвалиев, Б. Назаров, Х. Умуров, Н. Худойберганов, А. Расулов, И. Мирзаев, Н. Раҳимжонов каби қатор адабиётшунос олимлар ва мунаққидларнинг мақолалари ва рисолаларида фикрлар билдирилган. Танқиднинг одилона ва холисона йўл тутиши ҳақида баҳслар юритилган. Бу адабий-танқидий асарларнинг кўп томонлари ҳануз ўз таъсир кучида қолади, лекин мазкур тадқиқотлардаги кўп фикрлар ҳозирги мустақиллик даври нуқтаи назаридан эскирди, эндиликда улар бир томонлама қарашлар эканлиги ҳам аён бўлиб қолмоқда. Лекин 60—70 йиллардаги ўзбек адабий танқидчилиги ғоявий, маънавий ва маҳорат нуқтаи-назаридан, 50-йиллар ва ундан олдинги ўзбек танқидчилигидан тубдан фарқ қилади. Ўтган ўн йилликларда адабий танқид ҳаёт ва бадиий адабиётга жуда яқинлашди, публицистик, фалсафий, бадиий таҳлилларга бой, жанрий-услубий йўналишлар такомили устиворлик қила бошлаб, бадиий ижоднинг ҳам назарий, ҳам амалий жабҳаларида муҳим силжишлар бўлиб, маълум ютуқларга эришилди.

60—70-йиллар адабий танқидчилигининг жанрий йўналишларидаги сифат ўзгаришлари ва маҳорат ҳамда ўзаро таъсир масалалари устида баҳс юритиш ҳозирги кун адабий танқидчилиги нуқтаи-назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этади, чунки ўтмиш даврлар танқидидаги муҳим хусусиятлар ҳозирги давр адабий танқидчилиги тафаккурининг янада кенгайишига хизмат қилиши аниқ.

60—70-йиллар адабий танқидчилигининг энг муҳим ютуқларидан бири шу бўлдики, ушбу даврда ўзбек адабий танқидчилиги жаҳон адабий танқиди тарихи анъаналарини, айниқса Белинский, Добролюбов, Чернишевский таълимотларини чуқур ўзлаштира бориб, бадиий асар таҳлили усулларини янада такомиллаштиришга эришди. Бу ҳақда «Ўзбек совет адабий танқиди тарихи»нинг 2-томида ҳам қониқиш билан қайд этилади.

Кечаги кунга назар ташласак, асримизнинг 20-йилларига келиб, том маънодаги ўзбек профессионал танқидчилигининг туғилиши натижасида адабий-танқид сиёсати фаол аралашув жараёнида ривожлана бошлади. Айниқса, бу даврларда адабий танқид кўп ҳолларда Октябрь, социализм ғояларини тарғибот қилиб, социалистик реализм методининг исканжали қатида замонасозлик руҳидан борди, жорий сиёсат нуқтаи-назаридан келиб чиқиб иш тутишга мажбур бўлди. Буни биз Чўпон, Фитрат, Абдулла Қодирий каби улкан ёзувчилар ижоди ҳақида ёзилган 20—30-йиллардаги бир томонлама баҳо беришларга мубтало бўлган кўплаб илмий мақола ва сиёсий-публицистик чиқишлардан ҳам билиб оламиз. Албатта, бу даврларда сиёсатга қурбон қилинмай бадиий асарлар таҳлили, маҳорат қирралари ҳақида баҳс юритилган илмий ишлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Айниқса, 50-йилларнинг охири, 60-йилларнинг бошларида давлат сиёсатида бирмунча ижобий ўзгаришлар юз берганлиги сабабли, адабий танқидчиликда ҳам янги бир давр келди. А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат, А. Қаҳҳор, Ойбек, У. Носир, М. Шайхзода, Миртемир каби забардаст ўзбек ёзувчиларининг асарлари янгича талқин қилина бошланди. Мумтоз адабиёт вакиллари ижодидаги ўрганилиши лозим бўлган кўп долзарб масалалар кенг кўламда таҳлил қилина бошланди. Натижада бадиий ижод ва адабий танқид оламида кўтарилишлар ўз-ўзини англаш жараёнининг кучайиши кузатила бошланди.

60—70-йиллар адабий танқидчилигининг яна бир муҳим ижобий ютуғи, ғоявийлик ва бадиийлик масаласига яхлит бир диалектик ҳодиса сифатида қаралиб, шу нуқтаи-назардан бадиий асарга баҳо бериш тенденциясининг кенг йўлга қўйилиши бўлди, адабий-танқидий мақолалар ва асарларда типик характерлар яратиш борасида янгича бир критериялар ишлаб чиқила бошланди.

60—70-йиллар адабий танқидчилигининг тарихийлик ва замонавийлик масалаларини счиш борасида ҳам илгарилаб кстиб, ўртача талқин йўлига ўтиб олиши ижобий ҳолат бўлиб, алоҳида ўрганилишга лойиқдир. Умуман, 60—70-йилларда адабий танқид М. Қўшжонов таъбири билан айтганда; ҳаётга яқинлашди, бу эса Белинскийнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Танқид тўхтовсиз ҳаракат қилади, олға босади, фан учун янги ашёлар, янги далиллар йиғади. Шунинг учун ҳам, у ҳаракатдаги эстетикадир», деган фикрлари ниҳоятда теран ва ҳаққоний эканлигини яна бир бор исботлади.

60—70-йиллар танқидчилигида илмий-назарий таҳлил ҳам тобора кучайиб борди, танқидчиликда ёзувчилар ижодига тарихий биографик ёндашув, яъни улар ҳаёти ва ижодини яхлит олган ҳолда илмий монографиялар ёзиш кенг йўлга қўйилди, айниқса ижодкор услубига оид ишлар кўпчиликни ташкил эта бошлади. Масалан, биргина 1979 йилнинг ўзида 35 та монография дунё юзини кўрганлиги ва уларнинг умумий ҳажми 300 босма табоқдан иборат бўлганлигининг ўзи ҳам 60—70-йиллар адабий танқидчилиги оламида кўламли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилганлигидан гувоҳлик бериб турибди.

Адабий танқид ҳукм суриб келган академизм исканжасидан ҳам иложи борича қочиб, хилма-хил адабий-танқидий жанрлардан маҳорат билан фойдалана бошлади. Натижада танқидчи маҳорати услуби, ёзувчи-танқидчи масалалари бўртиб кўрина бошлаб, мева бера бошлади. Адабий танқидда тил маҳорати ва услуб масалаларига ҳам жиддий эътибор берила бошланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида адабиётшунослик ва адабий танқид кенгаши иш бошлади ва ҳар йили адабий-танқидий ҳосил сарҳисоб қилиниб борилди.

60—70-йиллар адабий танқидчилигида ютуқлар билан бир қаторда, нуқсонлар ҳам мавжуд эди. Айрим адабий-танқидий мақолаларда зиддиятли фикрлар ва бир-бирига қарама-қарши бўлган хулосалар ҳам кўриниб қоларди, шунингдек айрим танқидчилар томонидан айтилган зўраки ёки обдон ўйланмаган хулоса ва фикрларга китобхонни ҳадсб ишонтиришга ҳаракат қилиш ҳоллари ҳам учраб турди.

Танқидчи билан китобхон ўртасида, ёзувчи ва танқидчи ўртасидаги зиддиятли бир-бирини инкор этувчи субъективизм асосидаги тор, янглиш фикр ва хулосаларга ўралиб қолиш ҳолатларидан ҳам 60—70-йиллар адабий танқидчилиги бебаҳра қолмади.

Айниқса, 70-йиллар адабий танқидчилигида баъзибир бўш асарларни ҳаддан ташқари мақташга қаратилган тақриз ва мақолалар ҳам кўплаб эълон қилинган, шунингдек, яхши асарларни ёзувчига хусумат нуқтаи-назаридан атайлаб пастга уришлар, қилдан қийиқ ахтаришлар кўзга ташланиб туради. Албатта, 60—70-йиллар танқидчилиги бошқа даврлардагидек, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, оғайнигарчилик каби иллатлардан халос бўлолмади, ана шунинг учун ҳам, кўп ҳолларда юзаки фикрлар, баён этиш, адабий танқид мезонларидан чекиниб тарафкашлик машъаласини кўтариб чопиш ҳолатлари кўплаб рўй берди.

Шу билан бирга, адабий танқид ўзининг юзини шувут қилиб қўювчи маддоҳлик ва офаринвозлик ҳолатларидан холи бўлолмади. Жаҳон адабий танқидчилигида катта аҳамиятга эга бўлган системали таҳлил, матн поэтикаси маҳорати ўзбек танқидчилигида оз ривожланди, танқиднинг жанр хилма-хиллиги масаласига ҳам кам эътибор берилиб келинди.

Маълумки, бадиий адабиётда ёзувчи маҳорати масаласи доимо долзарб, даврлар ўтиши билан ҳеч қачон эскирмайдиган масала бўлганлигидек, танқидчи маҳорати, индивидуал услубидаги ўзига хослик ва сифат белгилари устида мунозара, баҳс юритиш мавзуси ҳам ҳеч қачон эскирмайди. 60—70-йилларда «танқидчиликнинг ўз-ўзини «таниш» жараёни бир жиҳатдан, танқидчининг ўзига хос услубини ўрганиш, унинг олим ва ижодкорга хос индивидуаллигини тайин этиш, шу йўсинда адабий танқидда услублар ранг-баранглигини назардан ўтказиш орқали ҳам намоён бўлади»[1].

Озод Шарафиддинов ва Матёқуб Қўшжонов 60—70-йиллар адабий жараёнига таъсир кўрсатувчи ғоят салмоқли, далилли танқидий фикрлари, синчков мулоҳазалари билан кенг танилиб, адабий жамоатчилик томонидан тан олиндилар. О. Шарафиддиновнинг «Танқидчилик касби ҳақида», «Адабий танқид замон хизматида», «Шеър кўп, аммо шоир-чи?», М. Қўшжоновнинг «Танқидчиликдаги ҳалоллик — поклик рамзи», «Ҳаёт ва маҳорат», «Давр талаби ва ижод масъулияти» каби адабий танқидий мақолалари адабиётимиз ҳамда танқидчилигимиз юксалишига хизмат қилди.

Умуман, Озод Шарафиддинов ва Матёқуб Қўшжоновнинг шу даврдаги мақолаларида кўринган умумий ва ўзига хосликлар биринчидан, ўша давр адабий танқидчилиги тараққиёти ҳақида илмийликка асосланган аниқ тасаввурлар бера олса, иккинчидан, уларнинг танқидчи ва танқидчилик масъулияти ҳақидаги жиддий фикрлари муҳим манба бўлиб ҳам хизмат қилади.

Бойназар ЙЎЛДОШЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

[1] Қаранг: Ўзбек совет адабий танқиди тарихи, иккинчи том, «Фан»нашриёти. Т., 1987 йил, 250-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

ДУНЁ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Шарқу Ғарб достони. Германия Федератив республикасининг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Биндзайл Райнхард билан Омон Мухтор суҳбати 3
Герхард Бранстнер. *Ҳикматли сўзлар* 12
Вольфганг Борхерт. Нон. *Ҳикоя* 62
Генрих Бёлль. Менинг ғамгин юзим. *Ҳикоя* 63
XX аср немис шеъриятидан намуналар 91
Рольф Пестер. Ажойиб совға. *Ҳажвия* 158

НАЗМ

Оллоёр. Меҳринг қуёши остида 6
Замира Эгамбердиева. Асраса муҳаббат асради бизни 8
Ғулом Мирзо. Хотиралар сочар муҳаббат 10
Рўзи Қодирий. Чеҳраси тонгдай чарақлар 58
Абдулҳай Носиров. Яйрасам дилларингда кун бўлиб 60
Фируза. Сен менинг номимга боғланган нурсан 67
Ҳумоюн. Қалб қалъаси. Лирик достон 145

НАСР

Хайриддин Бегмат. Меҳрибоним, қайдасан?... *Роман* 13
Маматқул Ҳазраткулов. Афғонли кунлар. *Қисса* 69
Суннатулла Анорбоев. Анқов. *Ҳикоя* 93
Жамила Эргашева. *Ҳикоялар* 100
Қаҳрамон Аҳмад. Ёлғиз хонадон сири. *Саргузашт қисса* 124

БУ КУННИНГ ГАПИ

Руйиддин Раҳимов. Кўрар кўзларнинг нури илмдандир 105

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Маҳмуда Жўраева. Ой куйлар қошимга арғамчи ташлаб 106
Насиба Юсупова. Юрагим тўлдириб сўзлар келади 108

Адабий танқид

Баҳодир Назаров. Солиҳларга раҳнамо пир 110
Эркин Самандар. Қадамнинг такомил йўли 115
Абдуғафур Расулов. Умри уволлар қиссаси 149
Бойназар Йўлдошев. 60—70-йиллар адабий танқидчилиги тарихига бир назар . . . 153
Жумагул Сувонова. Илоҳий кечинмалар шавқи 156

Безовчи рассом **Р. Қўнғирова** Мусаҳҳиҳ **М. Йўлдошева**

● Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. ● Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. ● Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — 29, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. ● Обунага монеълик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Амир Темур тор кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 01.11.99 й. Босишга рухсат этилди 14.12.99 й. Қоғоз формати 70x108 $^{1}/_{16}$. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 10. Шартли босма табоғи 14. Шартли-рангли босма табоғи 14,7. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,4. Адади 4000 нусха. Буюртма № 4743.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА
«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси,
700029, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41

www.ziyouz.com kutubxonasi